



СОЛИҚ ХАРАЖАТЛАРИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ахмадова Комила Комиловна

Солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институт

Аннотация: Мақолада солиқ харажатлари бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш масалалари ёритилган. Солиқ харажатларининг назарий масалалари ўрганилиб, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: солиқ, солиқ харажатлари, бухгалтерия ҳисоби, солиқ ҳисоби, МҲҲС.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА НАЛОГОВЫХ РАСХОДОВ

Ахмадова Комила Комиловна

Фискальный институт при Налоговом комитете

Аннотация: В статье освещены вопросы совершенствования учета налоговых расходов. Изучены теоретические вопросы налоговых расходов и даны предложения по их совершенствованию.

Ключевые слова: налог, налоговые расходы, бухгалтерский учет, налоговый учет, МСФО.

IMPROVEMENT OF ACCOUNTING OF TAX EXPENSES

Akhmadova Komila Komilovna

Fiscal Institute under the Tax Committee

Abstract. The article highlights issues of improving the accounting of tax expenses. Theoretical issues of tax expenditures are studied and proposals for their improvement are given.

Keywords: tax, tax expenses, accounting, tax accounting, IFRS.

Кириш.

Мамлакатимиз иқтисодиётини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш қоидаларига таъсир кўрсата бошлади. Биринчи навбатда бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги ислоҳатлар натижасида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲҲС) ўтиш бўлди. Солиқ харажатларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва уни такомиллаштиришда уларни ҳисобда акс эттириш тамойилларини аниқлаш муҳимдир. Чунки бу масала солиқларнинг молиявий ҳисоби методи ва методологиясига таъсир этади. Ҳозирги кунда амалдаги солиқларни ҳисоблашда фойдага ёки тўғридан-тўғри харажатларга олиб бориш хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларини шакллантиришга таъсир кўрсатади.

Адабиётлар шарҳи.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ЎРҚ-404-сонли Қонунининг 18-моддасида даромадлар ва харажатларни тан олиш қуйидагича эътироф этилган: “Даромадлар ва харажатлар тўланган вақти ва пул келиб тушган санадан қатъий назар, қайси даврга тааллуқли бўлса, ўша ҳисобот даврида бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ акс эттирилади” (Қонун, 2016).

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 305-моддасида “солиқ тўловчи томонидан Ўзбекистон Республикасида ҳам, унинг ҳудудидан ташқарида ҳам ҳисобот (солиқ) даври давомида амалга оширилган (кўрилган), асосланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган чиқимлари харажатлар деб эътироф этилади”. “Асосланган харажатлар деганда баҳоси пул шаклида ифодаланган, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган чиқимлар тушунилади” (Кодекс, 2022).

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти “Фойдадан солиқлар” номли 12-сонли стандартда солиқ харажати қуйидагича “Солиқ харажати – бу давр фойдаси ёки зарарини аниқлашда ҳисобга олинган жорий ва муддати узайтирилган солиқ бўйича умумий сумма” (БҲҲС, 2018) – таърифи берилган.

Сафоновнинг (2017) фикрича: “Солиқ тўловлари фойдадан чегирилувчи харажатлар бўлиб, корхонанинг молиявий оқимининг асосий улушини ташкил қилади. Солиқ тўловлари корхонанинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятининг барча босқичларида шаклланади, бир томондан маҳсулот баҳосининг элементи таркибига киради, иккинчи томондан ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир кўрсатади ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилишда муҳим омиллардан саналади” (Сафонова, 2017).

Симоновнинг (2013) фикрича “солиқ харажатлари – бу хўжалик юритувчи субъектнинг солиқлар, йиғимлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларни пайдо бўлиши ва бажарилиши билан боғлиқ харажатлар йиғиндисидир. Корхонада барча солиқ харажатлари бевосита ва билвосита харажатларга бўлиниши керак” (Симонова, 2013).

Дедковнинг (2010) ёзишича: “Солиқ харажатлари бу – солиқ тўловчининг бюджет олдидаги мажбуриятларини пайдо бўлиши, хизмат кўрсатилиши ва бажарилиши билан боғлиқ бўлган корхонанинг харажатлари йиғиндисидир” (Дедков, 2010).

Қурбанов (2016) “солиқ харажатлари тушунчасига қуйидагича таъриф берган: Солиқ харажатлари – бу хўжалик юритувчи субъектнинг (солиқ тўловчининг) бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий ажратмаларга тўловлари, солиққа тортишни ташкил этиш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар йиғиндисидир” (Қурбанов, 2016).

Акрамовнинг (2022) фикрича, Солиқ харажатлари – бу солиқ ва йиғим турлари бўйича солиққа тортиш базасини аниқлаш, ҳисобга олиш ва тўлаш, солиқ ҳисоботларини тузиш ва электрон тақдим этиш, солиқ текширувларини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар йиғиндисидир (Акрамов, 2022).

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида давлат секторида ички аудитни такомиллаштириш билан боғлиқ кўплаб илмий нашрлар талқин қилинди, илмий тадқиқотларга таянган ҳолда мантикий фикрлаш, таққослаш, тизимли ёндашув усуллари билан фойдаланилган. Мавзу бўйича мавжуд адабиётларни ўрганиш асосида тегишли хулосалар қилинган ва тавсиялар берилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Солиқ харажатларини тўғри ҳисобга олиш ва назорат қилиш учун улар таркибини ўрганиш зарур.

Бир гуруҳ иқтисодчилар ушбуни амалга ошириш мақсадида солиқ харажатларини тизимлашга ва таркибини беришга ҳаракат қилишган. Жумладан, Қурбанов (2016)

солиқ харажатлари таркибига қўйидагиларни киритган:

“солиқ ва бошқа мажбурий ажратмаларга тўловлар суммалари;

солиқ органлари томонидан қўшимча ҳисобланган солиқ суммалари (камерал ва ҳужжатли текширишлар натижасида), пенялар, жарима суммалари;

солиқларни режалаштириш, ҳисобга олиш, солиқ маслаҳати, солиқ ҳуқуқи, солиқ аудити бўйича харажатлар;

солиқлар бўйича ҳисоботларни электрон шаклда тузиш, дастурий маҳсулларни сотиб олиш, ўрнатиш ва фойдаланиш харажатлари;

солиқ тўловларини вақтида амалга ошириш мақсадида кредитлардан фойдаланганлиги учун фоиз харажатлари;

бошқа харажатлар” (Курбанов, 2016).

Сафонованинг (2002) фикрича, “солиқ харажатларига ҳисобланган солиқ мажбуриятларидан ташқари қўйидагилар киради:

ахборот характеридаги харажатлар – иқтисодий субъектнинг солиққа тортиш тизимини ўрганишдаги маълумотларни мониторинг қилишда фойдаланадиган вақтинчалик ва ресурс потенциали;

корхонанинг назорат ва таҳлилни ташкил қилиш харажатлари, яъни бўлим, ички солиқ аудити хизматини шакллантириш харажатлари;

ташқи солиқ назорати харажатлари, уларга иқтисодий субъектнинг солиққа тортиш тизимини текшириш доирасидаги ташқи аудит ва консалтинг ўтказиш харажатлари киради;

солиқ тўловчи сифатидаги иқтисодий субъектнинг хатолари ва ножўя ҳаракатлари билан боғлиқ харажатлар, солиқ қонунчилигига риоя қилмаганлиги учун ҳисобланган жарима суммалари, пенялар;

қўшимча харажатлар, солиқ мажбуриятларини сўндириш ва бошқа солиқ харажатларини қоплаш учун олинган кредит фоизлари кўринишидаги харажатлар” (Сафонова, 2017).

А.Абдуллаев солиқ харажатлари таркибига қўйидагиларни киритишни таклиф қилган:

“солиқ ва бошқа мажбурий ажратмаларга ҳисобланган тўловлар суммалари;

солиқ органлари томонидан текширишлар натижасида қўшимча ҳисобланган солиқ суммалари, пенялар, жарима суммалари;

солиқларни режалаштириш, ҳисобга олиш, солиқ маслаҳати, солиқ ҳуқуқи, солиқ аудити ўтказиш бўйича харажатлар;

солиқ ҳисоботларини электрон шаклда тузиш, дастурий маҳсулларни сотиб олиш, ўрнатиш ва фойдаланиш бўйича харажатлар;

солиқлар бўйича боқиманда суммаларни сўндириш ва бошқа солиқ харажатларини қоплаш учун олинган кредит фоизлари кўринишидаги харажатлар;

солиқ тўловчиларга солиқни тўлаш муддати узайтирилганда уларга ҳисобланган фоизлар кўринишидаги харажатлар;

солиқ тўловлари билан боғлиқ бошқа харажатлар” (Абдуллаев, 2020).

Ф.Акрамов эса солиқ харажатлари таркибига қўйидагиларни киритишни тавсия этаган:

солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисобланган суммалари;

солиқ текширишлари натижасида қўшимча ҳисобланган солиқ суммалари;

ҳисобланган пенялар, жарима ва бошқа санкциялар суммалари;

солиқларни ҳисобга олиш ва тўлаш билан боғлиқ харажатлар;

солиқ маслаҳати, солиқ ҳуқуқи, солиқ аудити ўтказиш бўйича харажатлар;

солиқ ҳисоботларини электрон шаклда тузиш, дастурий маҳсулларни сотиб олиш, ўрнатиш ва фойдаланиш бўйича харажатлар;

солиқ тўловчиларга солиқни бўлиб бўлиб тўлаш ва муддати узайтириш бўйича

ҳисобланган фоизлар кўринишидаги харажатлар;

солиқ низоларини судда кўриб чиқиш билан боғлиқ харажатлар;

солиқлар ва йиғимлар билан боғлиқ бошқа харажатлар (Акрамов, 2022).

Ўзбекистон Республикасида 2018-2022 йилларда Давлат бюджети тушумлари таҳлили 1-жадвалда келтирилди.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2018-2022 йилларда Давлат бюджети тушумлари таҳлили⁸² (млрд.сўм)

Т/Р	Кўрсаткичлар	2018	2019	2020	2021	2022
	ДАРОМАДЛАР (МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРСИЗ) - ЖАМИ	79 099,0	112 165,4	132 938,0	164 680,3	201 863,7
1.	Бевосита солиқлар	15 656,2	31 676,8	45 206,9	58 930,4	64 477,1
1.1	Фойда солиғи	3 502,2	16 360,6	28 712,2	38 363,3	37 649,9
1.2	Айланмадан солиқ	2 108,5	1 988,7	1 353,9	1 649,4	2 512,7
1.3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	6 422,7	12 668,5	15 140,8	18 917,7	24 284,5
2.	Билвосита солиқлар	41 280,4	46 427,2	46 428,4	56 290,5	71 390,2
2.1	Кўшилган қиймат солиғи	27 876,5	33 809,8	31 177,4	38 439,0	52 189,4
2.2	Акциз солиғи	9 702,2	10 314,7	11 697,3	13 086,6	13 455,0
2.3	Божхона божи	1 826,4	2 302,7	3 553,7	4 764,9	5 745,7
3.	Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	12 663,4	19 680,7	21 257,0	23 036,4	23 912,8
3.1	Мулк солиғи	2 606,1	2 360,2	1 974,3	2 457,3	4 015,4
3.2	Ер солиғи	1 504,2	2 313,2	2 386,7	4 082,8	5 305,9
3.3	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	8 424,7	14 692,8	16 417,1	15 811,9	13 887,4
3.4	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	128,4	314,5	478,8	684,4	704,1
4.	Юқори даромаддан олинадиган солиқ	1 528,0	107,9	-	-	-
5.	Бошқа даромадлар	7 971,0	14 272,8	20 045,8	26 423,1	42 113,7

Таҳлил қилинаётган даврда солиқ тушумлари йилдан йилга ошганини кўришимиз мумкин. 2018 йилда бу кўрсаткич 79 099,0 млрд. сўм бўлган бўлса, 2022 йилда эса 201 863,7 млрд. сўмни ташкил этган. Ушбу даврда бевосита солиқлар, билвосита солиқлар, ресурс тўловлари ва мулк солиғи бўйича ҳам тушумлар ошиши тенденцияси эга бўлган. Билвосита солиқлар 2018 йилда 41 280,4 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилда 56 290,5 ва 2022 йилда 71 390,2 млрд. сўм бўлган. Таҳлил даврида солиқ тушумлари 2022 йилда 2018 йилга нисбатан 255,2 фоизга ўсган бўлса, бевосита солиқларнинг ўсиши 411,83 фоиз бўлган бўлса, билвосита солиқлар бўйича бу кўрсаткич 172,94 фоизни ташкил этган.

⁸² Жадвал Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги очиқ маълумотлари асосида тузилди. Даромадлар 2015-2022 йил ижроси. <https://openbudget.uz/incomesView/.25.04.2023>.

Юқоридаги жадвалда келтирилганидек, солиқ харажатларининг ҳисобини алоҳида солиқ турлари бўйича ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Солиқ харажатлари бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш йўлларида бири бўлиб мамлакатимизда молиявий ҳисоботининг халқаро стандартларига ўтишдир. Мамлакатимизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш учун асос бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24- февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-4611-сонли қарори ҳисобланади (2020).

Халқаро амалиётда фойда солиғини ҳисоблашда “Фойдадан солиқлар” номли 12-сонли МҲХСдан фойдаланинади. “12-сон БҲХСнинг мақсади фойда солиқларини ҳисобга олиш тартибини белгилашдан иборат”. Мазкур стандарт, шунингдек, фойдаланилмаган солиқ зарарларидан ёки фойдаланилмаган солиқ имтиёзларидан келиб чиқадиган кечиктирилган солиқ активларини тан олишни, фойда солиқларини молиявий ҳисоботда акс эттиришни ва фойда солиқларига тегишли маълумотларни ёритиб беришни қамраб олади (2018).

Хулоса ва таклифлар.

Солиқ харажатлари таркиби асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, харажатларни тўғри ҳисобга олишни, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларини аниқлигини ҳамда солиқларни ҳисоблашнинг объективлигини таъминлайди.

Солиқ харажатларининг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришнинг замонавий йўли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишдир.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Абдуллаев А.Б. (2020) Солиқ тўловлари ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш. Дисс.автореферати. -Тошкент, 14 бет.

Акрамов А.А. (2022) Солиқ харажатларининг ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. Дисс. автореферати. Тошкент.

БҲХС (2018) БҲХС 12-сонли “Фойдадан солиқлар”.

Дедкова Е.Г. (2010) Анализ и прогнозирование налоговых затрат на промышленных предприятиях : дис. канд. экон. наук: 08.00.10. – Орел, – 23с.

Кодекс (2022) Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Тошкент.

Қонун (2016) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ЎРҚ-404-сонли Қонунининг 18-моддаси.

Қурбанов З.Н. (2016) Солиқ харажатлари ҳисобининг назарий масалалари. “Тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш ҳамда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришда солиқ сиёсатининг ўрни” мавзусидаги конференция материаллари.Тошкент, 147-148 бетлар.

Сафонова М.Ф. (2017) Теория и методология внутреннего контроля и аудита налоговых затрат. 08.00.12 – Бухгалтерский учет, статистика диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. Краснодар, стр.25.

Симонов Д.В. (2013) Развитие системы управленческого учета и анализа налоговых затрат. Дисс.Орел,

Смирнова С.А. (2002) Концепция налогового учета. Практические советы по ведению регистров налогового учета // Новое в бухгалтерском учете и отчетности. - № 4. - С. 56 – 64.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24- февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-4611-сонли қарори.